



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
КЕЛАЖАГИ
БҲҮҮК
ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 8 август, № 155 (6849) Сешанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари қаратилган юрак эътибор натижасида соҳада улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, уларни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ривожлантириш ҳамда аҳолининг уй-жой ва ижтимоий-مائий шароитини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда мамлакатимиз улкан қурилиш-бунёдкорлик майдонига айланди.

Мазкур қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун республикада 23,8 мингта пудрат ташкилотлари, 31 та бош лойиҳа институти ва 1000 га яқин лойиҳа ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда қурилиш соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича 3 та архитектура ва қурилиш институти фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, 12 та олий таълим муассасаси ҳамда 390 та касб-хунар коллежиде қурилиш соҳаси учун мутахассис кадрлар тайёрланади.

2017 йилда республикада бўйича барча манбалар ҳисобидан жами 37,5 триллион сўм ҳажмда қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилга нисбатан 120,5 фоизга ўсиш кузатилади. Натижада жорий йилда жами 15 мингта арзон намунавий уйлар, 191 та арзон кўп қаватли уйлар ва 2,5 мингта ижтимоий соҳа объекти фойдаланишга топширилди.

Тасдиқланган мақсадли дастурлар доирасида арзон намунавий уй-жойлар, кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектидан ташқари, йирик иншоотлар ва инфратузилма объекти ҳам фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида "Бунёдкор" стадиони, "Хаят Риженси" меҳмонхонаси, "Инка" университети филиали, "Минор" масжиди, Фарғона шаҳрида санъат саройи ва футбол стадиони, Жиззах шаҳрида стадион ва универсал спорт комплекси, Урганч шаҳрида универсал спорт комплекси ва Навоий давлат кичлик институти бино-иншоотлари замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилди.

Қурилиш соҳасини жадал ривожлантириш, қурилишда янги технологиялар ва энергия тежамкор материалларни қўллаш, қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва улар учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини кучайтириш соҳа ривожининг янги даврини бошлаб берди.

Соҳада кенг қўламли ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунга келиб қурилиш соҳаси ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди.

Республикада амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишларини жадаллаштириш, бугунги кунда соҳада қўлга киритилаётган ютуқларни кенг тарғиб этиш ва соҳада фаолият олиб бораётган мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида, шунингдек, соҳада меҳнат қилаётган кенг жамоатчиликнинг тақлифларини инобатга олиб:

1. 2017 йилдан бошлаб август ойининг иккинчи яшанба кунини "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини" деб эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари, "Давархитектурилиш" кўмитаси, мутасадди вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини"ни соҳага мос тарзда ва тантанали равишда нишонлашни таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини"ни нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддат ичида "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини"ни нишонлаш бўйича тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 7 август

БҲҮҮК АҲДОДЛАРИМИЗ БИЛАН ФАҲРЛАНИШНИНГ ЎЗИ КАМЛИК ҚИЛАДИ

Давлатнинг мустаҳкамлиги нафақат унинг иқтисодий юксалиши, балки жамиятдаги маънавий муҳит барқарорлиги билан узвий боғлиқ. Бинобарин, ҳар қандай ривожланиш маънавият ва маърифат пойдеворида қурилмас экан, унинг бардавомлигини таъминлаб бўлмайди.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида мамлакатимиз маънавий тараққиётининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, миллатимиз зиёлилари, санъат аҳли ва ижодкорлар юртимизда

олмаган воқеликларни кўради ва теран ҳис этади. Юртимиз қадимдан адибу санъаткорлар ва файласуфлари билан машҳур. Улар томонидан яратилган бой маънавий мерос, илмий ва бадиий асарлар бугунги кунга қадар инсоният ривожига, маънавий тараққиётига хизмат қилиб келмоқда. Аммо бугун биз буюк аждодларимиздан фахрланиш билан чекланиб қолмоқдамиз, десак, янгиликларимиз, Уларнинг асарларини ўрганиш, тадқиқ этиш, мазмун-моҳиятини таҳлил этишда сусткашликка йўл қўймоқдамиз.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МИЛЛИЙ КИНЕМАТОГРАФИЯНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз кино санъати бир асрдан зиёд тарихга эга бўлиб, ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу давр мобайнида ўзбек киносининг пойдевори яратилиб, у халқимизнинг маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади.

Мустақиллик йилларида миллий кинематография ривожига давлатимиз томонидан қаратилган катта эътибор натижасида соҳада муайян ютуқларга эришилди. Мазмун ва шакл жиҳатидан ранг-баранг кино асарлар яратилиб, улар томошабинлар эътиборини қозонди.

Айни вақтда бугун жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгиланишнинг устувор вазифаларини барча соҳа ва тармоқлар қаторида кино санъати фаолиятини ҳам тақомиллаштириш, соҳа ривожини унун янги имкониятлар яратишни талаб этмоқда.

Қайд этиш керакки, кинематография соҳасида норматив-ҳуқуқий базанинг мукамал эмаслиги, кино ишлаб чиқарадиган етакчи корхоналар, жумладан, "Ўзбекфильм", "Қорақалпоқфильм" ҳамда "Илмий-оммабоб ва ҳужжатли фильмлар" киностудияларининг моддий-техника базаси жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскиргани, кинофильмларни молялаштириш тизимининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, кинотеатрлар ва малакали кадрлар етишмаслиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга асосланиб, халқимиз, аввало, ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий

ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она-Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролин ошириш, "Ўзбекино" Миллий агентлигининг фаолиятини тақомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар: Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ; Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ;

"Ўзбекино" Миллий агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ; "Ўзбекино" Миллий агентлигининг "Қорақалпоқкино" агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлиmlарининг намунавий тузилмалари 4 ва 5-иловаларга мувофиқ;

"Республика кинофонди" давлат унитар корхонасининг тузилмаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин. "Ўзбекино" Миллий агентлиги қошида Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмаси юридик шахс сифатида ташкил этилсин ва унинг тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

"Ўзбекино" Миллий агентлиги Бош директориға, зарур ҳолларда, "Ўзбекино" Миллий агентлигининг марказий аппарати, тизим ташкилотлари ҳамда "Қорақалпоқкино" агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлиmlари тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. "Ўзбекино" Миллий агентлиги учун давлат буюртмасига асосан, миллий кино

маҳсулотларини яратиш йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларининг қуйидаги прогноз кўрсаткичлари белгилансин:

2018 йилда — 20 та, 2020 йилдан бошлаб — 30 тадан тўлиқ метражли бадиий фильмлар ишлаб чиқариш;

2018 йилда — 40 қисмдан иборат 20 та, 2019 йилда — 50 қисмдан иборат 25 та ва 2020 йилдан бошлаб — 60 қисмдан иборат 30 та ҳужжатли, илмий-оммабоб, ўқув-услубий фильмлар, киносолнома, киножурналлар ишлаб чиқариш;

мультипликацион фильмларни 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 50 тадан ишлаб чиқариш;

ёш кино ижодкорларнинг 10 соатдан иборат қисқа метражли фильмлари, болалар учун юмористик киножурналлар суратга олиш; давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмларни жаҳон бозорига чиқариш ва фестивалларда намойиш этиш учун чет тилларга субтитрлаштириш ва дубляж қилиш;

миллий кинематографиянинг энг сара асарларини тиклаш, реставрация қилиш ва замонавий форматга ўтказиш.

3. Миллий кинематография санъатини замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш кино ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳузурда Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этилсин ва унинг маблағларини шакллантиришнинг манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат буюртмаси ва Жамғарма маблағларини ҳисобидан ишлаб чиқарилган фильмларнинг кинопрокатидан тушадиган маблағлар;

давлат буюртмаси ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқарилган фильмларни намойиш этиш мобайнида жойлаштириладиган тижорат эълонларидан тушадиган маблағларнинг 10 (ун) фоизига тенг миқдордаги мажбурий ажратмалар; Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ банк депозитлари шаклида ва бошқа шаклларда жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

"Ўзбекино" Миллий агентлиги томонидан кино ва бошқа маданий-ижтимоий тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдан олинадиган даромадлар;




юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонун ҳужжатларида тақдирланмаган бошқа манбалар.

4. "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг кинофильмлар намойишини самарали ташкил этиш, аҳоли, айниқса, ёшларга маданий хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш мақсадида мамлакатимиздаги мавжуд ёшлар марказлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, лицей ва коллежларнинг биноларидан фойдаланган ҳолда, "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳузурда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда таркибиде кичик киностудиялари ва замонавий форматдаги кинозаллари бўлган минтақавий маданий-кўнгилчар комплекслар (кейинги ўринларда комплекслар деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОНУН УСТУВОР МАМЛАКАТ

Юртимиз АҚШнинг Гэллуп институти томонидан ўтказилган "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси"да 2-ўринни эгаллади.



Қўни кўрган халқимиз ҳаммиса тинчлик ва осойишталикни энг бебаҳо неъмат сифатида қадрлайди. Айниқса, дунёдаги ижтимоий-сиёсий вазият тобора таҳликали тус олаётган, айрим қучлар ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршиликлар, ички ва ташқи низолар, террористик, экстремистик ҳужуқлар баъзи халқларнинг катта йўқотишларига сабаб бўлаётган ҳозирги даврда бу неъматлар қанчалар азиз эканини тобора теран ҳис қилмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда).

2017 йил — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Барча эзгу ишлар кўнгил ободлигидан бошланади

Донишманд халқимизда шундай гап бор: "Уйи борнинг уйи бўлмайди". Бу рўзгор бутлиги, кўнгил хотиржамлиги ва фарзандлар камоли учун шахсий тураржойнинг ўрни жуда муҳим эканига назик ишора-дир. Дарвоқе, халқаро экспертларнинг хулосаси ҳам бунга ҳамоҳанглик касб этади. Уларга кўра, одамларнинг уй-йўли билан таъминланганлик даражасидан қониқиб ҳисси оилавий бахт-саодатга элтувчи асосий омил саналади.

Бугун юртимизда фуқароларнинг уй-жой шароити тубдан яхшилангангани, барча шаҳар қишлоқларимизда тураржой қуриш суръати ва кўлами жадаллик билан ортаётгани, аҳоли сони кўпайиб бораётганига қарама-қар, жон бошига тўри келадиган уй-жой майдони ошаётганига ҳаммамиз гувоҳимиз. Мазкур йўналишдаги ислохотлар инсонларнинг ҳаётдан розилигини ҳамда эртанги кунига ишончини мустаҳкамлашга сезиларли таъсир кўрсатаётти.

(Давоми 2-бетда).

Зиёратчиларимиз Саудия Арабистонига жўнаб кетди

Мустақиллик йилларида миллий урф-одатларимизни тиклаш, муқаддас динимизни, азиз-авлиёларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, табарруқ қадамжоларини ободонлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз томонидан юртдошларимизнинг ислом динининг улуг арконлари, жумладан, ҳаж ва умра амалларини эмин-эркин, қаноат ва шукроналик билан адо этишлари учун барча зарур шароитлар яратилмоқда.

Мустабид тузум даврида Ўзбекистондан ҳаммаси бўлиб 130 киши ҳаж амалини бажарган бўлса, бугунги кунгача ҳар йили ўзбекистонлик беш мингдан зиёд киши ўзининг эзгу орзуси ва

(Давоми 2-бетда).

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ ЮКСАК ХАЛҚНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ БЎЛАДИ

Бугун юртдошларимиз энг улуг, энг азиз байрамимизни юксак зафарлар билан кўтиб олиш тараддуиде. Чунки бу айёмнинг кексаю ёш тақдирдаги аҳамияти беқиёс. Истиқлол халқимиз орзу-умидларини рўёбга чиқарди, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлади. Айни дамда аҳолининг фаровон ҳамда бахтли яшаш, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиши борасида амалга оширилаётган шиддатли ислохотларга қатъий ишонч билан қарамоқда.

(Давоми 2-бетда).

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарориде таъкидлаб ўтилганидек, мустақиллик кўни халқимизнинг асрий орзу-интилишлари рўёбга чиққан буюк тарихий сана бўлиб, эл-юртимиз томонидан доимо шоду хурамлик билан нишонла-

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МИЛЛИЙ КИНЕМАТОГРАФИЯНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва "Ўшаҳарсозлик ЛИТИ" давлат унитар корхонаси 2018 йил 1 январгача "Ўзбекино" Миллий агентлигининг техник топшириғи ва хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида комплексларнинг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқсин, унинг майдонларида замонавий кинозалларни (2-қават), шунингдек, савдо-кўнгилочар объектларни (1-қават) жойлаштиришни назарда тутсин.

тадбирлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. 7. "Ўзбекино" Миллий агентлигининг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида: "Қорақалпоққино" агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларини 1 тадан "Дамас" русумли автомашина билан таъминлаш; "Қорақалпоққино" агентлиги ва вилоятлар ҳудудий бўлимларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сақланадиган 4 тадан қўшимча штаб бирлиги ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

"Ўзбекино" Миллий агентлиги марказий аппаратига 3 та шахсан бириктирилган ва 1 та навбатчи хизмат автотранспортини сақлаш учун лимит ажратсин; "Республика кинофонди" давлат унитар корхонасининг фаолияти, 2020 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи молиялаштиришга ўтиш шарти билан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида ижтимоий соҳага назарда тутилган маблағлар доирасида молиялаштирилишини таъминласин; Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йилги параметрлари доирасида "Қорақалпоққино" агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларини 1 тадан "Дамас" русумли автомашина билан таъминлаш учун зарур маблағларни "Ўзбекино" Миллий агентлигига ажратсин.

келишилган ҳолда икки ой муддатда тасдиқласин. 11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда: мазкур қарор ижросини таъминлашга қаратилган, шу жумладан, Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмаси ва Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлашни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин. 12. "Ўзбекино" Миллий агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда: қонун ҳужжатларида мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин; ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин. 13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. М. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2017 йил 7 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "МИЛЛИЙ КИНЕМАТОГРАФИЯНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев яқинда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувда маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан муҳим чора-тадбирлар белгиланаётгани, жумладан, қатор Фармон ва қарорлар лойиҳаси тайёрланаётгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган эди.

муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролинини ошириш, "Ўзбекино" Миллий агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилган. Қарорга мувофиқ, миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, "Ўзбекино" Миллий агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси, "Қорақалпоққино" агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларининг намунавий тузилмалари, "Республика кинофонди" давлат унитар корхонасининг тузилмаси тасдиқланди.

бўйича йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари белгилаб берилган бўлиб, унга кўра, Давлат буюртмасига асосан, 2018 йилда — 20 та, 2020 йилдан бошлаб — 30 тадан тўлиқ метражли бадиий фильмлар тайёрланади. Шу билан бирга, 2018 йилда — 40 қисмдан иборат 20 та, 2019 йилда — 50 қисмдан иборат 25 та ва 2020 йилдан бошлаб — 60 қисмдан иборат 30 та ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув-услубий фильмлар, киносолнома, киножурналлар ишлаб чиқариш белгиланган. Ёш авлод тарбиясида муҳим ўрн тутадиган мультипликацион фильмларни 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб эса 50 тадан ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

кадрларни қайта тайёрлаш мақсадида "Ўзбекино" Миллий агентлиги қошида малака ошириш курслари ташкил этилади, атоқли кино ижодкорлар дарс берадиган "Маҳорат мактаблари" фаолияти йўлга қўйилди. Мамлакатимиздаги ёш, истеъдодли ва истиқболли кино ижодкорларнинг малакасини ошириш мақсадида уларнинг хориждаги тегишли етакчи таълим муассасаларида мунтазам равишда таҳсил олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган кинофильмларнинг гоёвий-бадиий савияси, мазмун-моҳияти ҳамда профессионал даражасини ошириш масаласига ҳам қарорда алоҳида эътибор қаратилиб, шу мақсадда кино соҳасининг етук намоёндалари ва тажрибали мутахассислардан иборат Бадиий кенгаш тузилиши белгиланган.

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНИШНИНГ ЎЗИ КАМЛИК ҚИЛАДИ

Шунинг учун ҳам Президентимиз учрашувда буюк аجدодларимиз ҳаёти ва ижоди кино, театр, бадиий ва илмий асарларга мавзу бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Ёнгил-елпи, қундалик қайнона-келин муносабатлари ва муҳаббат мавзуларининг қайноқ муҳокамасидан кўра фарзандларимизнинг тарбияси, дунёқараши ва Ўз-Ўзидан давлатимиз келажagini белгилаб беришчи омил сифатида шонли ўлимимиз, буюк аجدодларимизнинг намуна қилиб кўрсатмаслик авлодларга хйбат билан баб-баравар эканлигини айтиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОНУН УСТУВОР МАМЛАКАТ

Албатта, шундай мураккаб замонда инсонларнинг осойишта ҳаётини таъминлаш осон юмуш эмас. Мамлакатимизда тинчликни сақлаш, барча жаҳада қонунийлик ва қонун устуворлигини кафолатлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, яқин беш йилликка мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасини ён-атрофимиздаги, онгу шууримиздаги жадал ўзгаришлар, осуда турмушнинг кўзи мисолида яқол қўриб турибмиз. Аҳамиятисини, айнаи жараён жаҳон жамоатчилиги-

Зиёратчиларимиз Саудия Арабистонига жўнаб кетди

Шу муносабат билан Ислам Каримов номидаги Тошкент халқо аэропортидан бўлиб ўтган маросимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О. Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси муфтий У. Алимов ва бошқалар мамлакатимизда миллий-диний кадрларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор, жумладан, ҳаж мавсумида жорий этилаётган қулайлик яратиш мақсадида жорий йилнинг 7 — 23 август кунлари "Ўзбекистон ҳаво йўли" Миллий авиакомпанияси томонидан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарларидан Мадина шаҳрига тўғридан-тўғри парвозлар йўлга қўйилди.

Барча эзгу ишлар кўнгили ободлигидан бошланади

Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган "Ноғиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши бу борада яна қатор салмоқли ўзгаришларга замин яратиб, шубҳасиз. Одамларнинг дарду ташвишини аритиш, уй-жойга эҳтиёжман ва имконияти чекланган ҳамюртларимизга ёрдам қилини қўзишдек савобли ишлар шу кўнларда мамлакатимиз бўйлаб кенг қўлоқ ёзмақда. Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бошланғич бадал тўлови амалга оширилган 20 та янги-ланган намунавий лойиҳадаги уй-жойга, шунингдек, маҳаллий ҳокимлик ташаббуси билан 4 хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи сертификатларнинг топширилиши 24 нафар фуқаронинг узоқ йиллик орзу-истакларини рўёбга чиқарди.

рилиши ана шу орзулар рўёбининг бир инъикоси бўлди. — Бу қувончи хабарни эшитиб, кўзимдан ёш қуйилиб кетди, тушимим-ўнгимим, дейман, — дейди А. Хамроевнинг онаси Мехринисо ая. — Мен каби кўнгли ярим инсоннинг фарзандлари ва набираларига гамирлик қилаётган давлатимиздан айланай... Айтгандай, келиним Гулмирага "Навоийдонмахсулотлари" корхонаси томонидан тикув машинаси берилиб, касаначи сифатида ишга қабул қилингани айнаи мудоао бўлди. Сурхондарё вилоятида 32 нафар уй-жойга муҳтож, имконияти чекланган фуқарога Президентимиз совғаси — янги уй-жойлар тантағали равишда топширилди. Шу муносабат билан ўтган тадбирлар уй-тўйларига улашиб, бутун воҳа ахлига зўр кўтаришчилик бахш этаётир, десак, янглишмаймиз. — Уз уйим бўлишини қанчалар кутганим билсангиз эди, — дейди шербодлик II гуруҳ ноғирони Норменгли Жўраев. — Отанимнинг қичкина хонадонда 5 оила тикилиб яшарди. Туман ҳокимлиги томонидан яшаш шароитимиз ўрганилиб, бизга 2 сотихдан иборат 3 хонали уйнинг топширилиши билан армонларим ушалди. Тўнғич ўғлим ҳадемай ўқини тамомлайди. Насиб қилса, мана шу уйда тўйлар қиламиз. Ишончманки, давлатимизнинг бизга кўрсатган чексиз гамирлигига жавобан фарзандларим эл-юрт хизматига қамарбаста бўладилар. Шербод туманидаги "Узунсой" маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи I гуруҳ ноғирони Олмаҳон Абдулалиева турмуш ўртоғи Умарали Бўриев билан фойдаланилаётган касалхона биносининг икки ҳужрасини бошпана қилиб туришган эди. Унга Президентимиз номидан Тароқли мас-сивидаги 2 сотихдан иборат уч хонали уйнинг қалити топширилган. Олмаҳон ҳаяжонини яширолмади: — Ҳаёт экан, 18 ёшимда касалликка чалиниб, ноғирон бўлиб қолдим. Очиги, умидимни йўқотмай, яқин кўнларни кутдим, лекин бундай тўхфани ҳаёлимга ҳам келтирмагандим. Энди меннинг ҳам ўз уйим, Ватан ичра ватаним бор! Икки фарзандим билан уйимиз-жойимиз қолиб, чеккан изтироғимнинг унут бўладиган кўнларга етганим учун шўкрона айтаман. Ин-



Фоторақ Абдураҳмонов (ўса) олган сурат.

Сарвар ОТАМУРАТОВ, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари.

Томур ШШБОВ, Илҳом РАҲМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Дунёни лол қолдирган ўзбек фарзандлари!

Жорий йилнинг 31 июль — 6 август кунлари Болгарияда 24-халқаро математика олимпиадаси ўтказилди. Унда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон

Миллий университети математика факультети талабалари Ҳакимбой Эгамбергенов ва Шохруҳ Ибрагимов иккита олтин медални қўлга киритди.

ХУШҲАБАР

Юртимизда дунё тамаддуни ривожига беқиёс ҳисса қўшган аждодларимизга ҳавас билан интилаётган иқтидорли ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Кучли билим ва салоҳиятга эга фарзандларимиздан бири Ҳакимбой Эгамбергенов бундай нуфузли олимпиадаларда қаторасига тўртинчи бор олтин медалга сазовор бўлиб, бошқа давлатларнинг ҳеч бир вакили эриша олмаган натижани қайд этди. Шохруҳ Ибрагимов эса иккинчи бор мана шундай нуфузли

халқаро олимпиаданинг голибига айланди.

Биз Ҳакимбой Эгамбергенов билан интернет орқали мулоқотда бўлдик.

— Нуфузли олимпиадаларда тўртинчи бор олтин медал эгаси бўлдингиз. Таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Бу медалларнинг ҳар бири давлатимизнинг ёшларга қўрсатётган улкан ғамхўрлиги маъсули, устозларимизнинг бизга бераётган билимлари самарасидир. Биз бундай эътибор учун Президентимиздан миннатдормиз. Ушбу медалларимизни жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаймиз.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.



Нуфузли фестивалъ юқори савияда ўтади

Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" XI халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ишларининг боришига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ушбу мусиқа байрамига масъуллар — вилоят, шаҳар ҳокимликлари мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, бу галги фестивалда 52 давлатдан 260 нафар ишти-

рокчи қатнашиши кутилмоқда. Тадбир давомида меҳмонларга хоржий тил-

ларни биладиган мутасаддилар ҳамкорлик қилади. Самарқанд давлат чет тил-

лар институтининг 201 нафар ёш ўқитувчи ва магистрантлари ҳам таржимонлик хизматини кўрсатади.

Фестивалъ иштирокчилари жойлашадиган меҳмонхоналар, тадбирлар бўлиб ўтадиган жойларда алоҳида тиббий хоналар



ташкил этилди, тажрибали шифокор ва ҳамширалар бириктирилди.

Мамодир ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тилими тилни ёрар

Япон сайёҳи Ўзбекистон қовуни бебаҳо лаззатли неъмат эканини эътироф этди.

Кўҳна ва боқий Бухоро шаҳрининг Ибн Сино номидаги майдонида ташкил этилган қовун сайли иштирокчилари орасида япониялик сайёҳ Кёми Хасегавани учратиби, уни сўхбатга тортиди.



САЙИЛ

— Ўзим кишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассиси бўлганим учун ушбу тадбирга катта иштиёқ билан келдим, — дейди у. — Бу ерда турли қовун навларидан татиб кўрдим. Жуда мазали. Бундай ширин қовунларни ҳеч қаерда учратганим йўқ. Агар деҳқонларингиз шундай сархил неъматларни Японияга ҳам экспорт қилишса, бу Кунчиқар юрт вакиллари учун ажойиб тўхфа бўларди. Хорижлик меҳмоннинг эътирофи эгачига бор. Мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги байрамига бағишлаб вилоят

ҳокимлиги томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур тадбирда эллиқдан зиёд турдаги, 2,5 минг тоннадан ортиқ ширин-шакар қовунлар сотувга қўйилди.

— Когон туманида 20 йилдан буён полиз маҳсулотлари етиштириб келаман, — дейди ўзини Бахтиёр Бойматов дея таништирган деҳқон. — Бу йил тўрт гектар ерда қовуннинг "Обиновот", "Бўриқалла", "Амири" каби навларидан мўл ҳосил етиштирдик. Уларни харидорлар бажони-

дил сотиб олишмоқда. Ҳақимизга дуо қилишяпти. Аҳоли дастурхонини тўкин этаётганимиздан мамнунмиз. Сайил биз учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтади.

Бахтиёр ака ҳақ. Полизчиликка эътибор кучайгани унутилган қовун навларининг қайта тиклалишига, янги навлар яратишига олиб келмоқда. Бу эса миришкорлар учун ҳам, давлатимиз учун ҳам аини мудоао бўлаётди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар футбол академияси

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Наманган шаҳар кенгаши қошида "Навбахор" ёшлар футбол академияси фаолият бошлади.

СПОРТ

Унинг тақдиротида ушбу маскан вилоятда "миллионлар ўйини"нинг янада раванқ топиши йўлида хизмат қилишига ишонч билдирилди. "Навбахор" ўзининг шонли аъёнлари, кўплаб мухлисларига эга жамоалардан. Худудда футбол академиясининг ташкил этилиши маҳаллий ёшлардан жамоага муносиб

ўринбосарлар тайёрлаш имконини яратди.

Вилоят ҳокимлиги "Навбахор" ёшлар футбол академиясига махсус совға — "Исузу" автобусини топширди.

Тақдирот маросимида Наманган вилояти ҳокими Х. Бозоров сўзга чиқди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

TURON BANK

Барқарорлик белгиси!

S&P Global

халқаро рейтинг агентлиги 2017 йилда

«ТУРОНБАНК»

акциядорлик тижорат банкининг кредит рейтингини

«БАРҚАРОР»

истиқболи билан тасдиқлади.

www.turonbank.uz Хизматлар лицензияланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

Кафедра мудирлари:

1. Умумий физика.
2. Электр энергетикаси.
3. Ўзбек ва чет тиллар.
4. Автоматлаштириш ва бошқарув.
5. Олий математика ва ахборот технологиялари.
6. Металлургия.
7. Кимёвий технология.
8. Кончилик электр механикаси.
9. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Қуйидаги кафедралар учун профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистентлар:

Кончилик иши: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Кончилик электр механикаси: катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Ноёб ва радиоактив металл рудаларини қазих ва қайта ишлаш: доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги: катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Машинасозлик технологияси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Электр энергетикаси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Умумий физика: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин.

Ўзбек ва чет тиллар: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Автоматлаштириш ва бошқарув: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Ижтимоий-гуманитар фанлар: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Олий математика ва ахборот технологиялари: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Иқтисодиёт ва менежмент: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Металлургия: доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Кимёвий технология: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

ЗАРАФШОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

бўйича вакант ўринлар

Кафедра мудирлари:

Табиий ва умумтехника фанлари. Ижтимоий-гуманитар фанлар.

Қуйидаги кафедралар учун профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистентлар:

Табиий ва умумтехника фанлари кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Ижтимоий-гуманитар фанлар: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши шарт:

- ректор номига ариза;
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- олий маълумот тўғрисида диплом нусхаси;
- илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар, ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларга тегишли диплом ва аттестатлар нусхалари;
- илмий-услубий ишлар рўйхати;
- малака оширганлик тўғрисидаги гувоҳномалар.

Ҳужжатлар эълон қилинган санадан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳқўчаси, Навоий давлат кончилик институтининг ўқув-услубий бўлими. Мурожаат учун телефон: (0-436) 223-57-33.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 79 848 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ГАЗИТАНИНГ ХАРАКТИР НАМУНАСЛАРИ ҚИЛИБ ОЛИШ УЧУН ОП-КОДИНИ ТЕЛЕФОНЛИК ОРҚИЛИ САНАЕР ҚИЛИНГ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибхона (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ТАХРИРГАТТА ҚОЛГАН ҚЎЛБИНАР ТАДРИҚ ҚИЛИНАЙДИ ВА МУАЛЛАҒГА ҚАЙТАРМАЙДИ. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРГАТ ЖАВОБ БЕРМАЙДИ.

ГАЗИТАНИНГ ОТКАЗИБ БЕРИЛИШИ УЧУН ОБУВАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАШКИЛОТ ЖАВОБГАР.

ГАЗИТАНИНГ ПОЛИГРАФИК ЯИХТАДИ СIFАТЛАРИ ЧОП ЭТИЛИШИНИНГ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ МАСЪУЛ. БОСМАХОНА ТЕЛЕФОН: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукuroв. Навбатчи — Д. Улугмуродов. Мусаххач — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.50 2 3 4 5 6